



ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан мулоқот қилди. Унда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича шу йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум яқунлари ҳақида сўз борди.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида янги-ланган Конституциямизда барча қатлам манфаатлари инobatта олинганлиги, уни ишлаб чиқишда аҳоли фаол ишти-рок этганлиги ҳамда референдум орқа-

ли қабул қилинганлиги ушбу ҳужжатнинг чинакам халқ Конституцияси бўлгани-дан далolat эканлигини таъкидлади.
— Конституциямиз лойиҳасини му-ҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул

қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллион-лаб юрtdoшларимиз фаол иштирок эт-дилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чина-

кам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Энг муҳими, энди ислохотларимиз йўли-дан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, "ин-сон — жамият — давлат", деган янги

тизим асосида фақат ва фақат олдин-га қараб борамиз, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.
Дунёда кундан-кунга янги сино-лар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо

бўлаётган вазиятда Конституцияда Ўз-бекистон "суверен давлат" сифатидаги мақомини мустаҳкамлади.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ АЪЗОЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли парламент аъзолари, сиёсий партия-лар ва жамоатчилик вакиллари!

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!
Хабарингиз бор, шу йил 30 апрель куни мам-лакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, том маънодаги улкан тарихий воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Кон-ституциямизни қабул қилдик.

Референдумда қатнашган фуқароларимизнинг мутлақ кўпчилиги "Бу — менинг Конституциям", деб ғурур билан овоз берди.

Референдум кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда курсатди. Ушбу тарихий танлов орқали халқимиз бундан олти йил олдин бошлаган ислохотларимизга катта ишонч билан қараб, уларни тўла қўллаб-қувват-лашни яна бир бор намоён этди. Эл-юртимиз-нинг ана шундай азму қарори асосида давлат-чилигимиз ва иқтисодиётимизни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди.

Булларнинг барчаси — миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юрtdoшимиз "қилса бўлар экан-ку", деб, ўз рўзғори, оила-си мисолида юртимизда юз бераётган катта ўзгаришларни яққол сезаётганидан далolat эмасми?

Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қи-лишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамалари-да миллионлаб юрtdoшларимиз фаол ва му-носиб иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан

қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чи-накам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Энг муҳими, энди ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, "инсон — жамият — дав-лат" деган янги тизим асосида фақат ва фақат ол-динга қараб борамиз.

Албатта, халқимизнинг референдумдаги овози, билдирган юксак ишонч барчамиз-га катта масъулият юклайди, эл-юртимиз-ни рози қилиш учун бизни янги марраларга

ундайди, ислохотларни жадал давом этти-ришда янада катта куч-ғайрат ва илҳом ба-ғишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг юксак фу-қаролик бурчини чин дилдан адо этиб, Асосий қонунимизни қабул қилишда амалий тақлиф ва ташаббуслари, ғоя ва фикрлари билан фаол иштирок этган кўпмиллатли, мард ва олижаноб халқимизга таъзим қиламан.

▶ Давоми 2-бетда

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 8 май куни амалий таширф билан ушбу мамлакатга келди.

Москва шаҳридаги "Внуково" аэропор-тида давлатимиз раҳбарини Россия Ху-кумати Раисининг ўринбосари, санаот ва савдо вазири Денис Мантуров ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кремлда Россия Федерацияси Президенти Владимир Пу-тин билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамров-ли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Устувор йў-налишлардаги кўп қиррали амалий ҳам-корликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўхбат аввалида икки мамлакат етак-чилари Иккинчи жаҳон урушидаги Ғала-банин 78 йиллиги муносабати билан бир-бирини самимий қутлаб, faxрийларимиз, дўст халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Россия Президенти давлатимиз раҳ-барини Ўзбекистон Республикаси Кон-ституциясига ўзгаришлар киритиш бўйича умумхалқ референдуми муваф-фақиятли ўтказилгани билан ҳам таб-риклади.

ЎзА

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Юртимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантирилиб, саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шу кунларда уларнинг бир гуруҳи санаторийларда даволанмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 8 май куни Тошкент шаҳридаги "Chinobod Plaza" санаторийсига бориб, уруш қат-нашчилари ҳолидан хабар олди. Анор-бой ота Жалилов, Ашир ота Ўсаров,

Антонина Коломенцева, Тўлаган ота Имомов, Аббос ота Аппанов билан дил-дан суҳбатлашди.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАР ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 ян-вардаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти-ни самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республи-каси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томони-дан ёқлаб овоз бериш орқали қабул

қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бў-йича орзу-умидлари ва интилишлар-и ўз аксини топганлигидан далolat бермоқда.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўТАДИГАН 46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИГА КОМПЛЕКС ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА ШАХМАТНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда илк бор ўтказилади-ган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини юқори савияда ташкил этишга пухта тай-ёргарлик кўриш, янги авлод истеъдодли ёш шахматчиларни тайёрлаш ва жаҳон

шахмат майдонига олиб чиқиш, шахмат-ни аҳоли ўртасида янада оммалаштириш мақсадида:

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш ҳамда шахматни оммавий ҳаракатга айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланғич 1-бета

1. Халқаро шахмат федерациясининг (кейинги ўринларда — ФИДЕ) 2022 йилдаги конгрессидида **46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига** ҳамда **ФИДенинг навбатдаги конгресси**ни 2026 йилда Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини инобатга олиб, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини **Самарқанд шаҳрида** ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. **2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий кўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий кўмита) тuzилсин ҳамда унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйилсадилар Ташкилий кўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

2023 йил 1 декабрга қадар ФИДЕ раҳбарияти бошчилигидаги делегациянинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ташрифини ташкиллаштириш;

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш бўйича ФИДЕ билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида шартномалар, келишувлар, меморандумлар ва кафолат хатларини имзолаш;

ФИДЕ томонидан тасдиқланган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига тайёргарлиқнинг бош режасини тузиш, олимпиада дастури ва логотипини тасдиқлаш;

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини юқори савияда ташкил этиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар ишини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳисоботларини эшитиш;

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш;

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича барча масалаларни ва юзага келадиган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш.

4. Ўзбекистон шахмат федерацияси (**А.Саъдуллаев**) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (**Ш.Махмудов**), Самарқанд

вилояти ҳокимлиги (**Э.Турдимов**) билан биргаликда 2024 йилдан бошлаб 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш билан боғлиқ ҳар йилги ҳаражатлар сметасини тайёрлаб, Ташкилий кўмитага киритсин.

5. 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга масъул ташкилот этиб Ўзбекистон шахмат федерацияси белгилансин.

6. Ўзбекистон шахмат федерацияси (**А.Саъдуллаев**):

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш бўйича ФИДЕ билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида шартномалар, келишувлар, меморандумлар ва кафолат хатларини имзолаш тadbирларини ташкил этиш;

мавжуд инфратузилмалар қувватини таҳлил қилиш асосида 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўтказиладиган спорт иншоотлари ва бошқа объектларни **ФИДЕ талабларига** мувофиқ тайёрлаш, уларни зарур бўладиган спорт, тиббий, техник ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш;

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этувчи эркеклар ва аёлларнинг 3 тадан миллий терма жамоаларини шакллантириш;

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига волонтерларни жалб этиш;

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига тайёргарлиқнинг бориши ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда Ташкилий кўмитага мунтазам равишда ҳисобот тақдим этиб бориш чораларини кўрсин.

7. **2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш ҳамда шахматни оммавий ҳаракатга айлантиришга оид чора-тадбирлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (**Ҳ.Умарова**), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (**И.Абдурахмонов**) ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (**А.Икромов**) Ўзбекистон шахмат федерацияси (**А.Саъдуллаев**) билан биргаликда:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига шахматни соддалаштирилган тарзда ўргатувчи

анимацион материаллар ва ўқув қўлланмаларни яратсин;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини шахматга қизиқтириш ва ўргатиш бўйича "Шахмат богчадан бошланади" махсус дастурини амалга оширишни тизимли йўлга қўйсин;

ҳар йили мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ўртасида "Шахмат фестивали"ни ўтказиб борсин;

умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида "Мактаб лигаси", "Академик лицей лигаси" "Профессионал таълим муассасалари лигаси" ва "Талабалар лигаси" мусобақаларини ҳар йили уч босқичда тизимли ўтказишни йўлга қўйсин.

9. 2024 йил 1 январдан бошлаб "Шахмат стипендияси" таъсис этилсин.

Белгилансинки, "Мактаб лигаси", "Академик лицей лигаси", "Профессионал таълим муассасалари лигаси" ва "Талабалар лигаси" мусобақаларида ғолиб бўлган ўқувчи-ёшлар ва талабалар йил давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорига "Шахмат стипендияси" билан рағбатлантирилади.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб ҳуқуқий шахмат клубларига улар томонидан шахмат тўғаракларини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун давлат мўлки объектлари ва ҳудудлардаги "Ёшлар марказлари"дан ижара тўловларисиз (коммунал тўловлар бундан мустасно) жой ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда шахмат тўғаракларини ташкил этиш учун "Ёшлар марказлари"дан жой тайёрлансин ва қизиқиш билдираётган фуқароларга уларни таклиф қилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда: 2024 йилдан бошлаб ҳар йили профессионал шахмат клублари ўртасида "Ўзбекистон биринчилиги" мусобақаларини ўтказиб бориш;

таълимга йўналтирилган ташкилотларда, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида шахматни янада ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида:

шахмат бўйича тренер ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳарбий хизматчи ва ходимлар учун ўқув машғулотларини ташкил қилсин;

ҳарбий хизматчи ва ходимлар учун шахмат бўйича ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа ахборот материалларини тайёрласин;

Қуролли Кучлар ҳарбий тузилмалари, ҳарбий таълимга йўналтирилган ташкилотлар ва жазони ижро этиш муассасаларини шахмат бўйича ўқув қўлланма, шахмат тахтаси, фигуралари, соати ва бошқа зарур анжомлар билан таъминласин;

ҳарбий хизматчи ва ходимлар учун машҳур шахматчилар иштирокида маҳорат дарслари, учрашувлар, семинар, тренинг ва ўқув дарсларини ташкил этсин;

Қуролли Кучлар ҳарбий тузилмалари, ҳарбий таълимга йўналтирилган ташкилотлар ва жазони ижро этиш муассасаларида йил давомида тизимли равишда шахмат бўйича турнирлар ва мусобақаларни ташкил қилсин ҳамда ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириб борсин.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Ички ишлар вазирлигининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (**Ш.Махмудов**) ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси (**А.Саъдуллаев**) салоҳиятли ҳарбий хизматчилар ва ходимларни шахмат бўйича республика ҳамда халқаро мусобақалар ва турнирларга кенг жалб қилсин, уларни шахматчилар захираси ва терма жамоалар таркибига қўшиш чораларини кўрсин.

12. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (**А.Икромов**) Ўзбекистон шахмат федерацияси (**А.Саъдуллаев**), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

2024 йилдан бошлаб ҳар йили профессионал шахмат клублари ўртасида "Ўзбекистон биринчилиги" мусобақаларини ўтказиб бориш;

шахмат бўйича миллий терма жамоалар аъзолари, шунингдек, миллий терма жамоаларга асосий номзод бўлган шахматчиларни тайёрлаш учун тажрибали хорижий тренер ва мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларнинг кўмағида маҳаллий тренер ва мутахассисларни ўқитиш;

халқаро арбитрлар тайёрлаш бўйича семинарлар ва амалий машғулотларни мунтазам ташкил этиб бориш;

шахматни тарғиб қилишда алоҳида намуна кўрсатган оммавий ахборот воситалари вакиллари ва шарҳловчилар ("стример"лар)ни танлов асосида танлаб олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ФИДЕ таснифига кирувчи нуфузли халқаро мусобақаларни босқичма-босқич Ўзбекистонда ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудларда иқтидорли шахматчи ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал шахматчилар сифатида тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудибиев**) 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш бўйича Ташкилий кўмита томонидан тасдиқланган ҳаражатлар сметасига мувофиқ 50 миллиард сўмгача маблағлар Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

Белгилансинки, ушбу банднинг биринчи қисмида кўзда тутилган маблағлар қўйидаги мақсадлар учун йўналтирилади:

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш учун **ФИДЕга кафолат маблағларини** ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Маъмурий ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий Антидопинг агентлиги Фаолиятини Самарали Ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланғич 1-бета

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллий антидопинг агентлиги **Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги** (кейинги ўринларда — Миллий антидопинг агентлиги) этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйилсадилар:

Миллий антидопинг агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Миллий антидопинг агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини трансформация қилиш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Миллий антидопинг агентлиги:

республика ижро этувчи ҳокимият органи мақомига эга бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдордир;

Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг талаблари ва қоидалари

бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб боради ҳамда тезкор жорий этади;

ЮНЕСКОнинг Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияси ва Бутунжаҳон антидопинг кодексидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилиш чораларини кўради;

спортда допинг қўлланишининг олдини олиш ва допингга қарши курашиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқади;

допинг назорати натижаларини бошқариш тартиб-таомилларини белгилайди, тузилмасидаги комиссиялар фаолиятини ташкил этиш орқали аниқланган спортда допинг қўллаш ҳолатлари бўйича интимиқ чоралар кўради;

вазирлик ва идоралар, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва бошқа тузилмаларнинг антидопинг назорати соҳасида қўшма тadbирлар ташкил этиш ва тажриба алмашиш орқали ўзaro ҳамкорлигини таъминлайди;

ўзининг бюллетень ва бошқа расмий нашрлари ҳамда ўз фаолиятига тааллуқли маълумот ва материаллар чоп этилишини таъминлайди.

4. Белгилансинки, Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг тавсиясини инобатга олган ҳолда, шунингдек, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларига мувофиқ вазирлик ва идораларда ягона меҳнатга ҳақ тўлаш тизими жорий қилингунга қадар 2023 йил 15 майдан бошлаб:

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, Миллий антидопинг агентлиги ходимларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициентлари 2,5 баравар миқдорда қўлланилади;

Миллий антидопинг агентлиги ходимларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўйидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда): 1 йилдан 3 йилгача — 0,3, 3 йилдан 5 йилгача — 0,6, 5 йилдан 10 йилгача — 0,8, 10 йилдан 15 йилгача — 1,0, 15 йилдан 20 йилгача — 1,2, 20 йилдан юқори — 1,5.

Бунда, кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўловлари коэффициенти ҳисоблашда Миллий антидопинг агентлиги ходимларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, (якка тadbиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ишлаган даврдан ташқари) барча ташкилотлардаги меҳнат фаолияти даври ҳисобга олинади.

5. Миллий антидопинг агентлиги (**А.Садиков**):

а) икки ҳафта мuddатда: Миллий антидопинг агентлиги таркибий бўлинмалари низомида ҳамда бўлинмалар раҳбарларининг вазифа ва функцияларини тасдиқласин;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Миллий антидопинг агентлиги малакачи, чуқур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган, ўз вазифаларини самарали ва масъулия билан бажарадиган кадрлар билан тўлдирлишини таъминласин;

ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини Бутунжаҳон антидопинг агентлигига етказиш чораларини кўрсин;

б) 2023 йил 1 августга қадар республикада ва хорижда ўтказиладиган мусобақаларда допинг-синнамалар олиш ҳуқуқига эга бўлган халқаро тоифадаги допинг офицерларни Халқаро тест агентлигида (**International Testing Agency**) ўқитишни йўлга қўйсин;

в) 2023 йил 15 декабрга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги (**Ш.Шерматов**) билан биргаликда антидопинг назорати ва мониторинги соҳаларини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

Бунда: допинг-тест ва допинг назоратини ташкил қилиш, спортчилар ҳақида маълумотларни тўплаш ва сақлашга

оид спортчининг "биологик паспорт" (**АВР**) онлайн тизимини жорий этиш;

спортчилар учун антидопинг таълим электрон платформасини яратиш;

босқичма-босқич Спортда таққиланган модаларни текшириш миллий платформасини жорий этиш назарда тутилсин;

г) 2024 йил 1 январга қадар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (**А.Икромов**) билан биргаликда спортда допинг қўлланишининг олдини олиш ва антидопинг қоидаларини ўргатиш, шунингдек, допинг назоратини амалга ошириш борасида тренерлар ва тиббиёт ходимлари учун онлайн ва офлайн тарзда малака ошириш курсларини ташкил этсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ш.Кудибиев**) мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг 2023 йилда Давлат бюджетига Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ажратилишини, 2024 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

ХАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ер айланмоқда. Дунё ўзгармоқда. Вақт ўтган сари замон ва макон эҳтиёжлари тобора ошиб бормоқда. Инсоният кечадан кўра бугун, бугунгидан кўра эртага яхшироқ яшашга интилоқда. Ана шу интилоқ келажак ҳақида фикрлашга, тараққиётга асос бўлади. Одам — орзулар олами. У умид билан яшайди. Умид билан яшамасан, орзуси йўқ одам ўз ҳаётини йўлга қўя олмайди. Давлат ҳам одамга ўхшайди. Зотан, у одамлар, ўз ҳудудида яшаётган фуқаролар орзу-мақсадларини ўзида ифода этади. Демак, у қанчалик катта мақсадлар, буюк орзулар билан яшаса, халқ шунча фаровон, бахтли, саодатли умргузаронлик қилади.



Оқил САЛИМОВ, академик

Янги Ўзбекистон замонавий цивилизациявий тараққиёт шароитида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақам маъкеига эга бўлган давлат сифатида тан олинмоқда. У умумпланетар масалаларни, инсоният бугуни ва истиқболни билан боғлиқ бўлган муаммоларни, дунё барқарор тараққиётини таъминлайдиган, сиёсий жиҳатдан долзарб, илмий жиҳатдан асосланган, амалий жиҳатдан самарали таклифлари билан жаҳон ҳамжамияти диққатини ўзига тортоқда. Дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан тенгма-тенг туриб, ўзининг қатъий позициясини, фундаментал концепциясини эълон қилмоқда. Бу Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги бутун маъкеини, сиёсий қудратини, ғоят юксак интеллектуал салоҳияти ва кенг қамровли ақлий имкониятларига эга бўлган кучли давлат сифатида ўз маъкеини мустақамлаб бормоқда. Янги Ўзбекистон ўз қатъий позицияси, мустақам сиёсий иродаси, аниқ хулосалари ва умумбашарий масалаларни ҳал қилиш, уларнинг ечимини топишда ўта сиёсий ҳушёрлик, шарқона донишмандлик ва умумпланетар тафаккури билан алоҳида эътиборга эга бўлмоқда.

Ғарбу Шарқ ўртасидаги азалий рақобат XXI асрга келиб жуда катта ақлий салоҳиятни, воқеа-ҳодисаларга донишмандлик билан ёндашишни тақозо этмоқда. Янги Ўзбекистон ана шу ғоялар, фикрлар тўқнашувида ўзининг ғоят катта интеллектуал имкониятини еркин кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи буни яққол кўрсатди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ниҳоятда кенг имкониятларини, бой ақлий қудратини ва ишлаб чиқариш салоҳиятини яна бир бор кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашуви ҳар икки давлат учун ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Хозирги замонавий шароитда Ўзбекистон Германияни ўзининг ишончли ҳамкори сифатида билади. Ҳар икки мамлакат ва халқ ўртасидаги илқ муносабатлар, ўзаро бир-бирини тушуниш аъналарининг чуқур тарихий асослари бор. Бу ҳамкорлик кейинги йилларда тобора чуқурлашди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўзининг янги босқичига кўтарилди. Хусусан, саноат ишлаб чиқариши, товар айирбошлаш, экспорт-импорт самардорлиги борасида катта ютуқларга эришилди. Бу борадаги ҳамкорлик натижалари икки баробарга кўпайди.

Германия Ўзбекистон тараққиётига ва унинг катта ишлаб чиқариш қувватига ишонч билан қарайди. Шунинг учун Ўзбекистонга беш ярим миллиард доллар инвестиция киритди. Шундан 4 миллиард доллар кейинги йилларда жалб қилинди.

Ҳар икки давлат раҳбари мулоқот чоғида сиёсий ҳамкорлик ва музокара ларни давом эттириш, унинг замон талаблари асосида янгидан-янги йўналишларини кенгайтириб боришни таъкидладилар. Кўп қиррали ҳамкорлики янада чуқурлаштириш тўғрисида

Ҳукуматлараро декларацияни тузиш ва имзолашни маъқулладилар.

Федерал Канцлер Олаф Шольц билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг музокараси ниҳоятда мазмунли бўлди. Мезбон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавкеи, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўрнини алоҳида таъкидлади. Минтақа барқарорлиги, тинч-тотувлиги ва жадал тараққиётини таъминлашда Ўзбекистоннинг ғоят катта роли ва таъсир кучи борлигини эътироф этди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг бугуни ва истиқболни билан боғлиқ бўлган бир қатор жиддий масалалар ечимини топишда фаол иштирок этмоқда. Минтақа давлатлари бир-бирдан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшаш лозим, негаки, тарихий тақдир бизга бир маконда асрлар мобайнида биргаликда яшаш имконини берди. Бу барча минтақа давлатлари учун алоҳида аҳамиятли. Ана шу хулосадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиб, интеграцияни чуқурлаштиришга доир минтақавий сиёсатини Олаф Шольц қўллаб-қувватлади.

Музокара жараёнида Президент Шавкат Мирзиёев билан Федерал Канцлер Олаф Шольц Германия ва Ўзбекистон ҳар томонлама ҳамкорлигининг янги даврини бошлаш зарурат эканлигини таъкидлади. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, “Германия — Марказий Осиё” форматда доимий мулоқот майдонини ишга туширишга келишиб олинди. Бу, айтиш мумкинли, ҳар икки давлат ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирини англаш, мамлакатлар тарақ-



раҳбарлари Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган, иқтисодий ҳамкорлигини чуқурлаштириш ва самарадорлигини оширишда катта имкониятларга эга бўлган Транскаспий транспорт йўлагини биргаликда ривожлантиришга доир фикр билдирди ва ягона хулосага келдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Янги Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш учун катта ҳуқуқий асос ва кенг имкониятлар яратилди. Бу бевосита мамлакатда Германия бизнеси учун самарали ва ишончли имконият, дейиш мумкин. Жумладан, хорижий инвесторлар кенг миқёсли фаолияти самарадорлигини ва қизиқишларини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда қўшимча қиймат солиғи ставкалари пасайтирилди. Бир қатор божхона тўловлари бекор қилинди. Бу йўналишдаги расмиятчилик, маъмурий тўсиқлар олиб ташланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясига мувофиқ, хусусий мулк дахлсизлиги қафолатлари, тадбиркорлар, мулк

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ ДИРАСИДА САНОАТ КООПЕРАЦИЯСINI РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТЕХНОЛОГИК ШЕРИКЛИКНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ТЎҚҚИЗ МИЛЛИАРД ЕВРОЛИК ЯНГИ САВДО, МОЛИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ.

Бу Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги тарихий шароитдаги имкониятларини яна бир бор кўрсатди. Соғлом ишлаб чиқариш муҳити, мулк эгасининг фаолияти қонун билан қафолатланганлиги давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, ҳар бир фуқаронинг ҳам катта ютуғидир.

Хозирги дунёда иқтисодий муҳитнинг ўзгарувчанлигини назарда тутасак, Янги Ўзбекистонда барқарорлик, ўзаро ишонч ва келажак учун хотиржамлик муҳим роль ўйнамоқда. Хорижий ҳамкорлар худди ана шу муҳитни юқори баҳоламоқда. “Ҳар бир германиялик тадбиркор мамлакатимизда ўзини эркин ва дадил ҳис этиши учун барча шароитларни яратишга тайёрмиз. Германиянинг илғор ишланмалари ва инновацион технологияларини Ўзбекистоннинг ресурслари ва инсон салоҳияти билан бирлаштирсак, катта натижаларга эриша оламиз”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан учрашуви катта сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Ишбилармонлар ва сармоядорлар ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари буйича фикр билдирди.

Германия томонидан тадбирда Германия иқтисодиёти Шарқий қумитаси, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши, Германия энергетика агентлиги, “CLAAS”, “Knauf”, “Siemens Energy”, “Lasselsberger”, “Aurubis”, “Linde Group”, “Gunter Papenburg”, “Falk-Porsche-Technik”, “Mangold Consulting”, “DB Engineering”, “Landesbank”, “Commerzbank”, “KfW”, “Deutsche Bank” каби ўттизга яқин энг йирик компания ва банклар раҳбарлари қатнашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Президент Шавкат Мирзиёев Европа мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор беради. Бундай нуфузли бизнес-форум дастлаб 2019 йилнинг январида давлатимиз раҳбарининг Германияга ташрифи пайтида ҳам ўтказилган эди. Ушундан кейин Шавкат Мирзиёев ўзини йирик давлат ва сиёсат арбоби, кенг

миқёсли ислохотларнинг бутунлай янги тарихий шароитлардаги ташаббускори сифатида намоён қилган эди. Мана орадан вақт ўтиб бундай нуфузли форматдаги очик мулоқот, ўзаро бир-бирига ишонч ва бир-бирига интилиш руҳидаги учрашув кўтаринкилик билан ўтказилди. Мулоқот жараёнида айни пайтда юртимизда германиялик ҳамкорлар иштирокида умумий қиймати беш миллиард евродан ортиқ бўлган 60 дан зиёд лойиҳа амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев ўзининг ушбу мамлакатга ташрифи давомида эришилган



келишувлар, истиқболга қаратилган улкан режаларни амалга оширишда ишбилармонлар доираси ва сармоядорлар муҳим роль ўйнаши мумкинлигини қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон — Германия бизнес-форуми доирасида саноат кооперациясини ривожлантириш ва технологик шерикликни бутун чоралар билан кенгайтиришга доир тўққиз миллиард евролик янги савдо, молия ва инвестиция битимлари имзоланди. Бу, айтиш мумкинли, ҳар икки мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорлик доирасида маданий-гуманитар соҳа алоҳида урин тутлади. Чунки азалдан Марказий Осиё Ғарб билан Шарқни боғлаб турган Буюк ипак йўлининг энг муҳим нуқтасида жойлашганлиги билан эътиборга молик.

Маълумки, немис адабиёти ва санъати жаҳон маданиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Адабий алоқалар ўзбек-немис

маданий ҳаётида аънамага айланган. Буюк замондошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов буюк Гётенинг машҳур “Фауст” асарини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. Бир қатор шоир ва адибларимиз Гёте, Гейне, Шиллер, Томас Манн, Ремарк ва бошқа кўплаб буюк адибларнинг асарларини ўзбек тилига ўғирди. Санъатда эса Иоганн Бах, Бетховен ва Штрауснинг но-дир асарлари санъат масканларимизда иқро этилади.

Минг йилликлар мобайнида Буюк ипак йўли нафақат савдо-иқтисодий, балки фан, маданият ва санъат ривожига кенг имконият яратди. Маданиятлараро мулоқот, маънавий ва миллий қадриятлар алмашуви, илғор ғоялар ривожланиши учун катта роль ўйнади. Бу билан Шарқ Ғарб иқтисодий ва маданий ҳамкорлигига, маданиятлараро интеграцияга соғлом муҳит яратилди.

Немис халқининг фахру ифтихори ва жаҳон адабиётининг феноменларидан бири Гёте ўзининг “Ғарбу Шарқ девони” китобида Шарқнинг буюк мўъжизасини, жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган ноёб қадриятларини, хусусан, Самарқанду Бухоро маданий қудратини катта ихлос ва муҳаббат билан баён этган. Айни пайтда ўзбек шоирларининг бир қатор асарлари немис тилига таржима қилиниб, чоп этилмоқда. Хусусан, ўзбек олими Хуррам Раҳимов Ўзбекистон маданиятини Германияда тарғиб қилишда жуда катта хизмат қилмоқда. Унинг таржимаси ва саъй-ҳаракати билан “Ўзбек халқ эртаклари” бир неча марта немис тилида Германияда чоп этилди. Айни пайтда жонқуяр ва фидойи олим-таржимон Хуррам Раҳимов Навоий ғазалларини немис тилига таржима қилиб, нашр эттирди ва улғу бобомизнинг маҳобатли асари “Хамса” таржимаси билан шугулланмоқда.

Кейинги йилларда немис ва ўзбек олимлари, жумладан, қадимшунослар, тарихчилар, санъатшунослар ва музей ходимлари ҳамкорлик қилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида Ўзбекистондаги элликка яқин ғоят қимматли маданий ёдгорликлар қайта таъмирланди, ўз ҳолига қайтарилди.

Жаҳон фалсафасида кескин бурилиш ясаган, ғоят эҳтиросли ғоялари ва соф инсоний фикрлари билан машҳур бўлган Фридрих Ницше Шарққа катта қизиқиш билан қараган. Ундан рағбат, мадад ва илҳом олган. Ўзининг бетакор фалсафий қарашларини баён этишда бундан уч минг йиллар олдин Ўзбекистонда — Хоразмда дунёга келган Зардуштийлик дини ва буюк маданий ёдгорлик “Авесто” ғояларидан фойдаланган. Унинг энг машҳур асарларидан бири “Зардушт таваллоси” инсон ва инсоният, одам ва одам ҳақидаги маҳобатли, ноёб наслик дoston дейиш мумкин. Инсон феномени, унинг ички зиддиятли олами ҳақида бундан ортиқ фалсафий-бадий асар дунёда йўқ. Бу ноёб китобни улғу замондошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуров зўр маҳорат билан таржима қилган. Айтиш мумкинли, ўзбек-немис маданий ҳамкорлиги катта тарихга эга. Бугун эса Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ҳамкорликнинг янги даври бошланди. Президентимиз билан Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер немис халқининг ифтихори ва буюк маданиятининг маскани бўлган Жеймс Симон галереясида “Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Қўшонлар салтанатигача” деб номланган ғоят ноқир, қадимий дунё маданиятининг ноёб дурдоналаридан иборат кўргазмани очдилар.

Маъмури кўргазма Марказий Осиё халқларининг жумладан, ўзбек халқининг қадимий ва бой маданиятининг милоддан олдинги ва миллодий IV асргача бўлган улкан даврини қамраб олган. Бунинг ўзига хос мазмуни бор. Бугунги ўзбек давлатчилиги тасодиқий давлат эмас. Унинг илдизлари ғоят чуқур. Ўзбек давлатчилиги жаҳон давлатчилигининг ибтидоси эканлигини кўрсатади. Янги Ўзбекистон эса замонавий цивилизациянинг ноёб ҳодисасидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинли, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи бутунлай янги тарихий шароитларда Янги Ўзбекистоннинг кўхна дунёга янги нозар билан қараётганидан, инсоният барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим ҳисса қўшаётган қудратли давлат эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви чуқурлашиб бораётган бир пайтда Янги Ўзбекистон раҳбарининг сиёсий иродаси, унинг умумбашарий моҳиятга эга бўлган замонавий қарашларини ифода этади. Бу эса ҳаммамизнинг катта ютуғимиздир.



қиёти учун манфаатли бўлган имкониятларни ишга солиш учун янги шароит яратади.

эгалари ва сармоядорлар ҳуқуқлари кенгайтирилди. Улар фаолияти самардорлигини ва ҳар қандай шароитда

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА НЕМИС ВА ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ, ЖУМЛАДАН, ҚАДИМШУНОСЛАР, ТАРИХЧИЛАР, САНАЪАТШУНОСЛАР ВА МУЗЕЙ ХОДИМЛАРИ ХАМКОРЛИК ҚИЛМОҚДА. ГЕРМАНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЛИККА ЯҚИН ҒОЯТ ҚИММАТЛИ МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ, ЎЗ ҲОЛИГА ҚАЙТАРИЛДИ.

Шунингдек, Марказий Осиё тинчлиги ва барқарор тараққиётга боғлиқ бўлган Афғонистон омили ҳам муҳокамга қилинди. Дунё тараққиётининг хозирги шароитида афғон омили алоҳида аҳамиятга эга. У ерда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, ушбу мамлакат халқи учун гуманитар лойиҳалар кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, Термиздаги логистика мажмуаси ҳамда афғон ёшлари учун Таълим маркази имкониятларидан яна ҳам кўпроқ фойдаланиш, унинг янгидан-янги қирралари ва йўналишларини кенгайтириш лозимлиги айтилди.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва товар айирбошлаш самардорлигини ошириш учун транспорт ва логистика хизматини янада ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди. Давлат

дахлсизлигини таъминлайдиган ҳалол рақобат муҳити яратилишига, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишига қаратилган қоидалар киритилди. Бу ўзидан инвестициялар самарадорлигини ошириш, мулк эгалари ҳуқуқлари қафолатланиши, мунозарали вазиятда уларнинг судда ҳимоя қилиниши давлат томонидан қафолатланганлиги янги тахрирдаги Конституциянинг кенг имкониятларини кўрсатади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг кенг миқёсли ташаббуси билан тадбиркорлар эмас, давлат идоралари ўз қарорларининг қонунийлигини таъминлашига катта эътибор берилмоқда. Ҳар қандай шароитда инвесторлар манфаати қонун билан ҳимоя қилинадиган, ноаниқликлар юзага келган пайтда инвесторлар фойдасига ҳал қилиш чоралари қўрилмоқда.





ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Салкам беш минг йилдан буён туркий халқлар маънавияти, маданий даражасини акс эттириб келётган бахшичилик санъатида замоннинг турли долғали давларида инсонларни ватанпарварлик, мардлик ва меҳнатга, оилани фаровон этишга ундаб келинган. Бугунги осойишта кунларимизда ҳам ушбу санъат зиммасида айна вазибалар бирламчи бўлиб, у ёш авлод қалбиди миллий қадриятларимизга муҳаббат уйғотиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладигани билан аҳамиятли.



ЭЪТИРОФ

БАХШИЛАР БАХТИНИ ТОПГАН ЮРТ

Бир юртки, тупроғи тўғиё,
Тулпори беҳадик чопган юрт.
Тинчликдан булбуллар хушнаво,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Орини қўшиқда куйлаган,
Зорини қўшиқда куйлаган,
Борини қўшиқда куйлаган,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Хирмони меҳнатин мулкидир,
Иймони ибратин мулкидир,
Достони ҳайратин мулкидир,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Алломиш — шоним, дер Қўнғирот,
Бир шонки, Туронда барҳаёт,
Бойчибор бахш этган зўр қанот,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Қўбизи Барчиннинг фиғони,
Дўмбира висолнинг забони...
Қолмайин дилда ҳеч армони,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Гўрўғли Чамбилнинг оридир,
Ботирлар сафининг норидир,
Фироти ҳам дўст, ҳам ёридир,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Ўзбекнинг баёти дostonлар,
Мозийнинг ҳаёти дostonлар,
Умиди, нажоти дostonлар,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Майсадек унишга ўргатар,
Миллатни танишга ўргатар,
Ваган деб ёнишга ўргатар,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Фозил Йўлдошининг фазли бор,
Эргаши эл ичра ифтихор,
Пўлканнинг овози жарангдор,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Санасам зўрларин бирма-бир,
Саноқлар етмайди барибир,
Барчаси бетақрор, беназир,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Торидан таралгай нур, зиё,
Тинглайди Овруро, Осиё,
Фаҳр этар ҳаттоки ЮНЕСКО,
Бахшилар бахтини топган юрт.

Юртбошининг эзгу матлаби —
Очилди Бахшилар мактаби!
Бу Ватан, бу миллат шарафи,
Бахшилар бахтини топган юрт.

**Маҳмуд ТООР,
Ўзбекистон халқ шоири**

Кўҳна созлар сажрига чўлғди Сирдарё

Гулистонда ташкил этилган III Халқаро бахшичилик фестивали якунланди



Улуғ сўзни айтгучилар анжумани

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Тура Сулаймон номидаги амфи-театрда III Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиш маросими бағишланган "Эрким, бахтим, мовий осмоним!" шiori остида театрлаштирилган концерт дастури бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг фестивал иштирокчиларига йўллаган табриги анжуман қатнашчиларини янада руҳлантириб юборди. Табрикни Президент маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов ўқиб эштитирди.

Байрам дастурини Ўзбекистон давлат филармониясининг Жиззах вилояти бўлими "Сабо" ансамбли соҳнада "Ибтидо" театрлаштирилган мусиқий композицияси билан бошлаб берди. "Лазги", "Шодлик" ашула ва рақс ансамбллари, Қорақалпоғистон давлат академик мусиқали театри, "Бухоро мавжлари" рақс ансамбли, "Бой-сун" фольклор-этнографик халқ ансамбли, Юнус Ражабйи номидаги "Мақом" ансамблининг чиқишлари байрам дастурига узгача шухуқ бағишлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 14 майдаги "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди таъкидланганидек, халқимизнинг юксак бадий даҳоси билан яратилган ушбу ноёб санъатни асраб-авайлаш ва ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

"Алломиш" дostonининг минг йиллиги кенг нишонлангани, Термиз шаҳрида ушбу улуг бадий обида шарафига, Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари бунёд этилгани, "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг амалдаги ифодасидир. Шунингдек, бугун Юнус Ражабйи номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида "Достон ижрочилиги" кафедраси, бахшичилик мактаблари, мусиқа ва санъат мактабларида фольклор синфлари фаолият кўрсатмоқда. Бахши-шоирлар томонидан ижро этиладиган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганишга алоҳида эътибор берилляпти.

Хар икки йилда бир бор ўтказилиши белгиланган Халқаро бахшичилик санъати фестивали йилдан-йилга сайқал топяпти. Дастлаб Термиз, кейин Нукус шаҳри мезонлик қилган нуфузли тадбирнинг бу гал Сирдарё вилоятида бўлиб ўтиши Президентимиз қарори билан белгиланган бўлиб, вилоятнинг 60 йиллик тўйига уйғунлашиб кетди. Бир сўз билан айтганда, фестиваль вилоят аҳли учун кўшалоқ байрам бўлди. Гулистон шаҳри байрам шухуқи билан том маънода Сирдарёнинг кўригига айланди. Одамлар вилоятда илк бор ўтказилдиган халқаро тадбирдан руҳланди, фестиваль сари гурра-гурра келаверди. Уларнинг аксарияти "Бизда ҳеч қачон бундай катта тадбир бўлмаган", дея қувончини изҳор этди.

этилди. Мазкур боқий санъат тарихи, миллият ва халқларни бириштириш йўлидаги ўрни юксак экани, шунингдек, бахши, оқин ва жировлар энг улуг сўзни чертиб айтувчи халқ ижодкорлари бўлиб келгани эътироф этилди.

Хар элнинг созию овози ўзгача

Фестивалнинг иккинчи куни бўлиб ўтган танловлар доирасида турли тилларда ижро жараёнлари ҳаяжонли кечди. 30 дан зиёд давлатдан келган бахши, оқин ва жировлар, мусиқа ижрочиларининг турфа чиқишлари узоқ давом этди. Хар бир ижро ўзига хос. Эронлик, болгариялик, словениялик, туркменистонлик, мўғулистонлик, грузиялик, шунингдек, қашқадарёлик иштирокчиларнинг чиқишлари томошабинларда бошқача таассурот қолдирганини гулдўрос қарсақлардан билиш мумкин.

Эроннинг "Изма" бадий жамоаси раҳбари Рўхулло Каломий бу йилги тадбирнинг гоёт самимий руҳда эканидан хурсандлигини айтган бўлса, туркиялик Нар Камбер касби иқтисодчи бўлса-да, бахшичилик унвонига эришган бўлса, фестивал жуда муваффақиятли ўтганини тўқинлади гапирди. Ўзбекистонга учинчи марта келган япониялик Акеми Татемичи эса бу гал иштирокчилар сонининг ортганидан мамнунлигини билдирди.



Ярим тунгача давом этган халқаро танлов таассуротлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Энг муҳими, танлов бир санъат, бир мақсад йўлидаги дунё ижодкорларининг дўстлашуви, бирлашуви таъминлади.

Халқаро фестиваллар нима учун керак?

Авалло, халқаро фестивал ўтказилаётган ҳудуд инфратузилмаси яхшиланади. Зеро, чет эллик меҳмонлар ҳудудларимиз остонасидаёқ баҳри дили очилдиган қиёфамиз бўлиши туризм салоҳиятимизни оширишнинг муҳим омили.

Маданият ва туризм вазирлиги бўлим бошлиғи Мухайё Ҳайитованин айтишича, вилоятдаги меҳмонхоналардаги шароитлар, миллий таомлар кўргазмаси учун ташкил этилган гастрономик кўча тўлиқ давлат стандартлари асосида ташкил этилди. Аввалги фестиваллардан фарқи ўлароқ, ҳудудларга ажратилган павильонлар тоза ичимлик сув, табиий газ, санитар-гигиеник шохобчалар билан тўлиқ таъминланди. Вилоятлардан келган ошпазлар ўз ҳудудига хос таомларни меҳмонларга тақдим этди. Аиниқса, Паркент, Жиззах емпаларининг шу ернинг ўзида тақдирда сўлаётгани сайёҳлар хайратини, ўзбек миллий таомлари ва юртимизга бўлган қизиқишини янада оширди.

Уч кун давом этган фестивалда миллий атласу адрес, заргарлик, ёғочдан ясалган маҳсулотларимиз савдоси қизиди. Нафақат сайёҳлар, балки юртдошларимиз ҳам хунармандларнинг қўл меҳнатига катта қизиқиш билдиргани қувонарли.

Бебаҳо санъатнинг муносиб рағбати

Нуфузли тадбирнинг учинчи куни турли йўналишларда фаоллик кўрсатган иштирокчиларни тақдирлашга қаратилди. Вилоятларнинг миллий таомлар тайёрлаш, хунармандлик, фольклор этнографик чиқишлари, павильонларни безатишдаги маҳорати муносиб рағбатлантирилди.

Тадбирнинг асосий ва энг ҳаяжонли қисми бошланади. Ғолиблар эълон қилинади. Учинчи ўринни ўзбекистонлик Серик Жақсикулов, монголиялик Эрдане Ват Есуи, корейлик Шин Жа Сун қўлга киритди. Ўзбекистонлик Раҳимбек Абдурахмонов, грузиялик Нузар Кавтарадзе, ҳиндистонлик Сарвар Сабри Камал, болгариялик Ярослав Дмитров иккинчи ўринни эгаллади.

Биринчи ўринга тўрт нафар иштирокчи — туркменистонлик бахши Гарягды Сариев, қорақалпоғистонлик оқин Саламат Аяров, россиялик ижодкор Арес Самдан, қирғизистонлик бахши Рисбай Исаков муносиб курилди.

Танлов якунига кўра, олий ўрин — Гранприга ўзбекистонлик бахши Илҳом Норов сазовор бўлди.

Муножат МҮМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



давлатлардан соҳанин етук мутахассислари иштирок этди. Хусусан, Фиркат Туркман, Мухтор Қозим ўғли Иманов, Исмаи Четинов, Айша Южель Четин, Селами Фидақор, Анарбой Булдибой, Талантали Бақиев, Жанос Сипос, Давид Сомфай Истван, Гулнор Хусаинова, Эункюнг Ох каби таниқли фольклоршунос олимлар бахшичиликка доир маълумотларга бой маърузалари билан қатнашди. Анжуманда юртимиздаги таниқли фольклоршунос олимлар, тадқиқотчилар ҳам соҳага алоқадор илмий-назарий мақолалари билан фаол иштирок этди.

Тадбир якунида бахшичилик санъати истиқболлари билан боғлиқ муҳим резолюция қабул қилинди. Унда бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, бахшичилик санъати оид ижодий мактабларнинг ўзига хос ижро услублари, "устоз-шоғирд" аънаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Таниқли бахшиларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш, ёш бахшиларни қўллаш, боқий санъатнинг энг сара намуналарини тўплаш ва фонд яратиш, фольклоршунос олимларнинг ўзаро таъриба алмашувини йўлга қўйиш зарурлиги қайд



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетаниннг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетаниннг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
11117 нусхада босилди.
Ҳажми — 4 табоқ. Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиб: Рашид Ҳўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй